

**АСОРАТЛАНМАГАН БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИДА СИЙДИК  
ЙЎЛЛАРИ МИКРОБИОМИНИ ЎРГАНИШ ВА ЛАБОРАТОР  
МАРКЕРЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИК ВА ПРОГНОСТИК  
АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

**<sup>1</sup>Каримова Фазилат Бахрамовна**

*Урганч тиббиёт институтининг “Ички касалликлар, гематология ва  
диагностика” кафедраси докторанти, Урганч шаҳри, Ўзбекистон  
Республикаси.*

**<sup>2</sup>Сотликов Рашид Каримович**

*Тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Урганч тиббиёт институтининг “Ички  
касалликлар, гематология ва диагностика” кафедраси мудири.*

**ORCID: 0009-0004-0735-0158**

*Долзарблиги. Буйрак касалликлари ҳозирги кунда кенг тарқалган бўлиб, аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу касалликларни эрта аниқлаш, кечиси хусусиятларини баҳолаш ва асоратлар ривожланишининг олдини олиш замонавий тиббиётнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, асоратланмаган буйрак касалликларида клиник белгилар ҳар доим ҳам яққол намоён бўлмагани сабабли, касалликни ўз вақтида таъхислаш ва унинг кейинги ривожланишини баҳолаш долзарб аҳамият касб этади.*

Сўнгги йилларда сийдик йўллари микробиомини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Замонавий қарашларга кўра, сийдик ажратиш тизими фақат стерил муҳит эмас, балки муайян микроорганизмлар мажмуасини ҳам ўз ичига олади. Ушбу микробиом таркибидаги ўзгаришлар буйрак ва сийдик йўллари ҳолати, яллиғланиш жараёнлари ҳамда касаллик кечиси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, лаборатор маркерлар буйрак функциясини,

яллиғланиш даражасини ва патологик жараённинг фаоллигини баҳолашда муҳим ўрин тутди. Бироқ асоратланмаган буйрак касалликларида сийдик йўллари микробиоми ва лаборатор кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли ушбу йўналишда тадқиқот олиб бориш касалликни эрта аниқлаш, унинг кечишини баҳолаш ва диагностик-прогностик мезонларни такомиллаштириш нуқтаи назаридан илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** асоратланмаган буйрак касалликларида сийдик йўллари микробиомининг хусусиятларини ўрганиш, лаборатор маркерларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолаш ҳамда **Lactobacillus spp.** сақловчи пробиотик таъсирида ушбу кўрсаткичларда кузатиладиган ўзгаришларни аниқлаш.

**Тадқиқот усуллари ва материаллари.** Тадқиқотда асоратланмаган буйрак касалликлари билан оғриган беморлар клиник-лаборатор ва микробиологик жиҳатдан текширилади. Тадқиқот материали сифатида беморларнинг сийдик намуналари, қон зардоби ва клиник маълумотлари олинади. Сийдик йўллари микробиоми баҳолаш учун микробиологик ва молекуляр-биологик усуллардан фойдаланилади. Лаборатор текширувлар доирасида умумий сийдик таҳлили, қоннинг умумий таҳлили, биокимёвий кўрсаткичлар, жумладан креатинин, мочевина, С-реактив оксил ва бошқа маркерлар ўрганилади.

Тадқиқот жараёнида беморларнинг клиник ҳолати, лаборатор кўрсаткичлари ва сийдик йўллари микробиоми таркиби ўзаро қиёсий баҳоланади. Шунингдек, **Lactobacillus spp.** сақловчи пробиотик қўлланилгандан кейин микробиом таркиби ва лаборатор маркерлардаги ўзгаришлар таҳлил қилинади. Олинган натижалар статистик усуллар ёрдамида қайта ишланиб, диагностик ва прогностик аҳамияти баҳоланади.

**Асосий натижалар.** Тадқиқот натижасида асоратланмаган буйрак касалликлари бўлган беморларда сийдик йўллари микробиоми таркибида

маълум ўзгаришлар аниқланди. Жумладан, фойдали микрофлора вакиллари миқдорининг камайиши ва шартли-патоген микроорганизмлар улушининг ортиши кузатилди. Лаборатор текширувлар эса ушбу беморларда айрим кўрсаткичларнинг буйрак функционал ҳолати ва яллиғланиш жараёни билан боғлиқ ўзгаришларга эга эканлигини кўрсатди. Сийдик йўллари микробиоми таркибидаги ўзгаришлар билан лаборатор маркерлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди, бу эса уларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини тасдиқлади. Шунингдек, **Lactobacillus spp.** сақловчи пробиотик қўлланилгандан сўнг сийдик йўллари микробиоми таркибининг нисбатан меъёрлашиши ва айрим лаборатор кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгариши қайд этилди.